ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 67 (4762).
24 МАРТ 1982 й
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

23 март куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг фан ва техника комиссиялари билан халқ истеъмоли моллари ва савдо комиссиялари қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Палаталар доимий комиссияларининг СССР Енгил саноат министрлиги корхоналари ва бирлашмаларида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан давлат план топшириқлари ва тавсияларини бажариш масаласи муҳокама қилинди.

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвистонинг 1982 йил 9—11 мартда СССРга қилган визити тўғрисидаги ҳужжатлар ва материаллар тўплами нашр этилди. Тўпламга ўртоқ Л. И. Брежневнинг ва М. Койвистонинг нутқлари, Совет—Финляндия қўшма ахбороти, бошқа материаллар киритилган.

Бугун Ўзбекистон ССРга республика меҳнаткашларининг пахтачиликни ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш соҳасида эришган катта меҳнат муваффақиятлари учун Ленин ордени топширилади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

ИШЧИЛАР БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи байрам либосида. Баҳор ёмғири корпусларни ювиб ўтган, энди кўкариб келаётган дов-дарахтлар орасида кизил байроқлар, байрамлардаги қирмизи транспарантлар ял-ял товланиб турибди... Смена ҳам алоҳида бир вазиятда бошланди, бугунги иш ҳам ўзгача юришиб кетган: тракторсозлар азиз меҳмонларни кутишмоқда.

23 март, кундуз соат икки. Завод аҳли шу дамни эслаб қолади, бу кун колдективнинг шонли тарихига абадий кириб қолади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев Тошкент трактор заводига келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров Тошкент трактор заводига келдилар. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири Л. М. Замятин ҳам заводда бўлдилар.

Машиналар заводнинг бош хнёбонидан ўтиб, йиғув цехи томон йўл олмоқда. Бу ерда, улкан корпус олдидаги майдонда Ўзбекистоннинг энг катта машинасозлик корхонаси — трактор заводи ва «Ташсельмаш» далаларга етказиб бераётган машина-механизмларнинг кўргазмаси ташкил этилган. Леонид Ильич Брежнев, унга ҳамроҳ бўлган кишилар экспонатлар билан танишадилар. Завод директори И. Х. Мусин шу цехдан ҳар йили деҳқонларга пахтачилик учун мўлжалланган қатор оралари 60 ва 90 сантимер бўлган салкам 30 мингта трактор, шунингдек транспорт шатакчи тракторлари жўнатилаётганлиги ҳақида сўзлаб беради. Тошкент трактори ўзи юрар шасси бўлиб ҳам хизмат қилади, «Ташсельмаш» унга ҳар хил маркадаги пахта териш машиналарини ўрнатмоқда. Бу ердаги кўргазмада оддий ва ингичка толали пахтани машиналар билан териб олиш, уруғлик пахтани териш учун, кенг ва тор қатор оралари учун, икки ва тўрт қаторда айни бир вақтда ишлаш учун, бир йўла икки операцияни бажариш — пахтани териш ва уни бирламчи тозалаш учун мўлжалланган агрегатлар бор. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мўлжалланган прицеплар пахтачиликни механизациялашнинг муҳим бўғинидир. Шу прицепларни ҳам трактор заводи ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатдаги барча пахтакор республикаларни замонавий техника билан таъминловчи корхона партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қила олади, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги бу ерда металл ва бетонда мужассамлашди, ўзининг ёрқин моддий ифодасини топди. Владимир, Минск, мамлакатдаги бошқа кўпгина шаҳарларнинг тракторсозлари заводнинг бунёдга келишида, унинг лойиҳадаги қувватга эришувида, маҳсулотнинг энг янги турларини ўзлаштириб олишида қардошларча ёрдам бердилар. Белоруссиялик конструкторлар ва технологлар қуввати оширилган МТЗ-80Х тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда талайгина ҳисса қўшдилар, бу тракторлар ғўзани парвариш қилиш ва йиғиб-териб олишнинг барча босқичларида деҳқонларнинг меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини бермоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент трактор заводи ишчилари билан учрашуви.

Бу машиналар мана шу ерда, бош конвейерда яратилмоқда. Йиғув цехига кираверишда Леонид Ильични ризқ-насиба билан кутиб оладилар, СССР халқларининг миллий кийимларидаги қизлар унга гулдасталар тақдим этадилар. Гулдурос қарсаклар янграйди.

Цехда тўлқинлантирувчи самимий учрашув бўлади: коржома кийиб олган кенса, лекин ҳали бақувват киши Леонид Ильич Брежнев ёнига келади. Бу киши корхонадаги энг ҳурматли меҳнаткашларнинг бири электрик Алексей Васильевич Симонов, у Улуғ Ватан урушининг ветерани. А. В. Симонов трактор заводида меҳнат қилаётган кўпгина фронтчиларнинг ҳаммаси номидан, заводнинг барча ишчилари номидан Леонид Ильичга сиҳат-саломатлик тиладди, ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Ватанини равнақ топтириш тўғрисида гамхўрлик қилаётгани учун, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга гоят катта ҳисса қўшаётгани учун унга қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

Леонид Ильич ишчилар ёнига келади, улар орасида ўз ишининг машҳур усталари, меҳнат унумдорлигини ошириш учун социалистик мусобақа ташаббускорлари: КПСС XXVI съезднинг делегати созловчи М. Туропов, КПСС XXV съезди делегати мастер А. В. Федюшина, Ленин ордени кавалери созловчи М. Тешабоев, корхонакинг бошқа донгдор кишилари бор. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни трактор заводидагилар завқ-шавқ билан қабул қилдилар. Завод меҳнатни ташкил этишнинг ягона наряд каби илғор системасини биринчилардан бўлиб жорий эта бошлади ва бу ҳол ишлаб чиқаришга дарҳол баракали таъсир кўрсатди. Кўпгина кишиларни бошқа жуда муҳим ишларга бўшатиб беришга, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Тракторсозлар ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бериб айтдиларки, корхона коллективи ўтган йил якунларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун ўзи мукофотланган Қизил байроқни шараф билан кўтариб боравераді. Ҳозир завод реконструкция қилинмоқда, қуввати 100 от кучига эга бўлган, вентиляция қилинадиган герметик кабина билан жиҳозланган янги машинани ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрмоқда. Деҳқонлар шу тракторни сабрсизлик билан кутмоқдалар, машинасозлар ҳам уни иложи борича кўпроқ етказиб бериш учун ҳамма ишни қиладилар.

Леонид Ильич Брежнев заводнинг фахрий меҳмонлари китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

«Тошкент тракторсозларининг шонли коллективи билан учрашганимдан ҳурсандман.

Сизнинг заводингиз — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, техника тараққиёти ва коллективни социал ривожлантиришдан иборат кўп қиррали масалаларни муваффақиятли ҳал этаётган Совет Ўзбекистони машинасозлигининг энг яхши корхоналаридан биридир.

Трактор заводи аҳил коллективининг — пахтани етиштириш ва йиғиб терib олишни комплекс механизациялаш учун кураш пешқадамининг роли бениҳоя каттадир.

Азиз ўртоқлар, сизларга партия XXVI съезди қарорларини бажаришда янги-янги марраларни эгаллашингизни, катта меҳнат муваффақиятлари, сиҳат-саломатлик ва кўпдан-кўп қувонч тилайман».

Шу куни Л. И. Брежнев Тошкентдаги энг йирик корхоналардан бири — В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг баъзи намуналари билан танишди. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН НОМИДАГИ КОЛХОЗДА

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин номли колхоз лимонзорида. (ЎзТАГ фотохроникаси).

23 март куни Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда қувончли, шодиёна кайфият ҳукм сурди.

Колхоз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни шод-хуррамлик билан ва самимий кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров ўртоқ Л. И. Брежнев билан бу ерга келдилар. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин ҳам колхозга келдилар.

Леонид Ильич лимонзорни кўздан кечирди. Бу ерда халқ селекциячиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги Зайниддин Фахриддинов ишламоқда. З. Фахриддиновнинг ўзи етиштирган субтропик экининг қимматли навлари бу ерда йигирма гектардан кўпроқ майдонда ўстирилмоқда. Ҳозир теплицада цитрус меваларнинг муаттар ҳиди анқиб турибди, бу ердаги лимонлар йил бўйи ҳосил беради. Кўм-кўк шохларда пишиб етилган меваларни ҳам, гулларни ҳам ва янги тугунчаларни ҳам айни вақтда кўриш мумкин. З. Фахриддинов етиштирган лимон навларининг бошқа фазилатлари қаторида илгари Ўрта Осиёда ўсмаган цитрус меваларнинг совуққа чидамлилиги, кескин континентал иқлим шароитларига яхши мосланганлигини кўрсатиб ўтса бўлади. Серҳосиллик, меваларнинг таъми жуда яхшилиги бу лимонларнинг энг яхши хусусиятларидан бири, албатта.

Бултур колхоз лимонзоридан юз тоннадан кўпроқ юқори сифатли мева олинди. Донгдор цитрусчи ўзининг ўн биринчи беш йиллик биринчи йили учун олган юксак социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Йиллик план икки баравардан зиёд ошириб бажарилди. Хўжалик деҳқонлари беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини мўл ҳосил билан кутиб олишдан иборат.

Зайниддин Фахриддиновнинг лимонзоридан ибрат олиб Ўзбекистоннинг бошқа хўжаликларида ҳам лимонзорлар барпо этила бошланди. Донгдор деҳқоннинг тажрибаси республикада пахта ва бошқа анъанавий экинлар етиштиришни кўлайтириш учунгина эмас, шу билан бирга субтропик мевалар етиштиришни янада кўпайтириш учун ҳам жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун нисбатан ёш тармоқ бўлмиш цитрусчилик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, Оржоникидзе районининг қўшни «Коммунист» колхозида лимон етиштирувчи катта комплекс қурилди. Сурхон водийсининг илгари бўш ётган ерларида лимонзорлар барпо этилди, Наманган областининг Поп райони қишлоқ меҳнаткашлари тоғ этакларидаги ерларга цитрус мевалар экмоқдалар. Жиззах, Қарши даштларида, республиканинг бошқа қўриқ зоналарида субтропик мевалар етиштириладиган боғлар вужудга келтириш белгиланиб қўйилди. Ўзбекистонда жами бўлиб яқин йилларда цитрус мевалар етиштиришни 80 миллион донага етказиш мўлжалланмоқда.

Зайниддин Фахриддинов қилаётган иш Ўзбекистон учунгина эмас, бутун мамлакат учун ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг теплицаларида етиштирилган лимон кўчатлари иттифоқдош республикаларнинг икки юзтадан кўпроқ хўжалигига юборилиб турибди. Ўтган йилнинг бир ўзида бу ердан турли жойларга йигирма беш минг тупкўчат жўнатилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев З. Фахриддинов ва колхозчилар билан қилган суҳбати вақтида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг агрономия фани билан алоқасини мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди. Л. И. Брежнев партия комплекс озиқ-овқат программасини жадал ҳал этишни гоят муҳим вазифа қилиб қўйганлигини таъкидлади.

Леонид Ильич колхозчилар билан қилган суҳбатларида уй-жой, маданий-маиший муассасалар қурилиши билан қизиқди. У колхоз раҳбарларига, унинг жамоат ташкилотларига меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларига эътибор билан муносабатда бўлишларини маслаҳат берди. Бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак, деб таъкидлади Леонид Ильич.

Колхозчилар КПСС ва Совет давлатининг раҳбари хўжаликка келиб, амалий маслаҳатлар ва тавсиялар бергانлиги учун унга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар Леонид Ильичга сиҳат-саломатлик, Совет Ватани бахт-саодати йўлида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида самарали ишлашни тиладилар.

(ЎзТАГ).

Шогирд ўз устози ҳақида

ХАЛҚ АРХИТЕКТОРИ

Тошкент политехника институтининг меъморчилик бўлими студентлари кекса архитектор, олим ва педагог Абдулла Бобохоновни «Устоз» деб аташади. Дарҳақиқат, бундай шарафли ном қанчадан-қанча машаққатли кунлар, уйқусиз тунлар, тинимсиз меҳнат ва ижодий изланишлар эвазига қўлга киритилган.

Абдулла Бобохонов — биринчи ўзбек архитекторларидан д и р. Унинг биринчи мустақил иши 1936 йили Янгийўл районидаги Оржоникидзе номли колхоз учун яратган 350 ўринли клуб лойиҳаси бўлди. 1934 йили Москва архитектура институтининг аспирантурасини битириб қайтгач, Тошкент шаҳар лойиҳалаш ташкилотининг бошлиғи ва бош архитектори лавозимларида ишлади.

1940 йилда Абдулла Бобохоновга жуда катта ва масъулиятли иш, яъни Каттақўрғон сув омбори лойиҳасини яратишда қурилишнинг архитектура томонини ишлашга бошчилик қилиш вазифаси топширилди...

Кутилмаганда уруш... Абдулла Бобохонов урушга 1941 йилда сафарбар қилинган эди. Кейин у ҳаракатдаги армияга кетди. Абдулла Бобохонов Орёл — Курск ҳалқасидаги ёзги ва қишки оғир жангларда, Белоруссияни ҳамда Гарбий Украинани озод қилишда қатнашди.

Урушдан кейин Тошкентга қайтиб, қайта ташкил қилинган «Узгоспроект» (ҳозирги УзНИИПградостроительство) институтида лойиҳаларнинг бош архитектори ва меъморчилик устахонасининг бошлиғи вазифаларида ишлай бошлади. Унинг лойиҳалари асосида қўплаб клуб, маданият саройлари, ёдгорлик қурилди, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанба, Термез, Наманган, Жамбул, Қўқон, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида кўркам бинолар қад кўтарди.

Шу даврнинг ўзидаёқ, Абдулла Бобохоновнинг ишларида, унинг бутун ижодида характерли бўлган ягона умумий белгилар яққол кўзга ташлана бошлади. Архитекторнинг дастлабки йирик ишларидан бири— Тошкент марказини қайта қуришга мўлжалланган лойиҳадир. Унинг архитектор В. Волчек ва С. Полупанов билан ҳамкорликда яратган бу иши очиқ конкурсда биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

Кейинчалик Абдулла Бобохонов лойиҳаси асосида Чирчиқдаги кинотеатр, Бекобод ва Қўқонда маданият саройлари, Душанба шаҳридаги Лоҳутий номли театр, Самарқанддаги Улуғбек музейи, «Юлдуз» чойхона ресторани, Ҳамзаободда қизил аскарларга ёдгорлик ҳайкали қад кўтаради. Бир қанча биноларнинг қурилишида Абдулла аканинг шахсан ўзи иштирок этиб, ҳар бир деталь, ҳар бир гиштнинг қўйилишигача кузатиб, иш бошида турди.

Тошкентнинг С. Раҳимов районида қад кўтарган биринчи ўзбек генерали, Собир Раҳимов номидаги кинотеатр лойиҳаси ҳам Абдулла аканинг меҳнати билан рўёбга чиқди. Ҳамза Ҳакимзода мақбарасининг лойиҳаси ҳам устоз ижодида шу вақтгача қурилган ёдгорликларнинг бирортасига ҳам ўхшаймайди. У шакли, безаклари, зиналар, уч томондан баравар кўриниши билан улуғвор.

Абдулла Бобохонов ижодига мансуб бўлган Узоқ Шарқдаги Приморье ўлкасида Партия XXI съезди номидаги колхоз учун қурилган маъмурий бино архитектура ечимининг оригиналлиги, замонавий қўринишга эгалиги, пластиклиги, композициянинг мукаммаллиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади.

Ҳозиргача мўътабар меъмор лойиҳалари асосида қурилган биноларнинг сони 90 дан ошиб кетди.

Ташкилий, жамоатчилик ишларининг шунчалик кўп бўлишига қарамай, қандай қилиб шунча иншоот лойиҳасини яратишга улгургансиз, — деб сўрадик Абдулла акадан. — Аввалига у кишининг юзида табассум пайдо бўлди, сўнгра жиддий жавоб берди:

— Ростини айтсам, шунча иншоот қуришга улгурганимга ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Аммо чуқурроқ ўйлаб қарасам, мени тез фикрлаш ва бажаришга одатлантирган нарса, уруш йиллари ҳарбий-инженерлик академиясини битирганимдир. У ерда бизни тез фикрлашга, чаққон ва ўз вақтида ҳаракат қилишга, топширилган вазифани аниқ ҳамда бекамі-кўст бажаришга ўргатишган. Шу ўринда жанг хотираларидан бири беихтиёр ёдимга тушади: оғир жангларнинг бирида биз дарёдан кечиб ўтишимиз керак эди, аммо кўприк душманлар томонидан портлатилган. Шу вақт мени командир ч а қ и р и б, т о п ш и р и қ берди. Топшириқ шундай эди: бир кечада соллардан кўприк қуриш лойиҳасини чизиш ва шу лойиҳа асосида кўприк қуриб, қўшинлар ўтиб олгач, душманлар қўлига тушмаслиги учун уни портлатиш ҳам керак эди. Бу оғир ва масъулиятли вазифа бир кечада амалга оширилди...

Абдулла Бобохонов республикамиз Архитекторлар союзининг ташкилотчиларидан бири. 1945 — 1947 ва 1964— 1968 йилларда Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениеси Президиумининг раиси, 1955— 1956 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Қурилиш ва архитектура комитетининг раиси, раис ўринбосарлари лавозимларида ишлади.

У 1962 йили «Ўзбекистонда сув хўжалиги иншоотлари архитектураси масалалари» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1965 йилда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий малака комиссияси томонидан Абдулла Бобохоновга профессор илмий даражаси берилди. Мана, қариб 20 йилдирки, халқ меъмори Тошкент политехника институти жамоат бинолари лойиҳаларини яратиш кафедрасининг мудири сифатида шогирдлар даврасида кўп йиллик тажриба ва билимларини ёшларга ўргатмоқда.

Абдулла ака ўзларининг кўплаб илмий мақолалари билан республика ва марказий матбуотларда қатнашиб турадилар. «Ўзбекистонда паст қаватли уйлар қурилиши» деган китоб, «Ўрта Осиё ирригация ва гидроиншоотлари архитектураси» номли катта монография ана шулар жумласидандир.

Партия ва ҳукуматимиз Абдулла аканинг хизматларини муносиб тақдирлаб, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» унвонини берди. Бундан ташқари, Абдулла ака бир қатор жанговар орден ҳамда қатор медаллар кавалери ҳамдир. Абдулла Бобохонов 1970 йил октябрь ойида мамлакатимиз архитектураси тарихида биринчилардан бўлиб, «СССР халқ архитектори» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди.

Чеҳраларидан доим табассум аримайдиган нуроний, камтарин инсон, заҳматкаш олим ва устоз Абдулла Бобохонов ҳамон севган касблари — архитектура соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

С. АСҚАРХЎЖАЕВ,
А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти «Этика, эстетика ва дизайн» кафедраси аспиранти.

• *Шаҳрим—фахрим*

ТОШКЕНТ ЧИРОҚЛАРИ

Келаси йилнинг сентябрь ойида она шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейи нишонланади. Мана шу сана туфайли шаҳримизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Янги-янги боғроғлар, микрорайонлар ва диққатга сазовор объектлар барпо этилмоқда. Юбилей кунигача шаҳримиз таниб бўлмас даражада ўзгаради. Бу ишда коллективимиз ҳам яқиндан иштирок этмоқда. Маълумки, шаҳримизда икки гўзаллик мужассам: бири— шаҳарнинг кундузги, иккинчиси— тунги жамолидир. Шаҳардаги қайноқ ҳаёт фақат кундузлари эмас, кечалари ҳам ҳукм суради. Мана шуни ҳисобга олиб йилдан-йилга шаҳар территориясидаги ёритгичлар сони тобора ошириб борилмоқда. Бунга сабаб, янги микрорайонларнинг вужудга келиши ва кўчалардаги чўғланма чироқлар ўрнига қучли ёруғликка эга бўлган янги типдаги чироқлар сонини оширишдир. Айни кунларда шаҳар территориясида 96200 дона ёритгич зиё таратиб турибди. Ўшандан 3200 донаси паст босимли натрий чироқлар, 61 минг дона юқори босимли симоб чироқлар, 4800 дона неон чироқлари ва 27 минг дона чўғланма чироқлардир.

Шаҳримиз д а г и электр тармоқларининг узунлиги эса бугунги кунда 2721 километрга етди. Кейинги йилларда ёритгичлар сони муттасил кўпайтирилмоқда. Чунки бу чироқлар чўғланма чироқларга нисбатан жуда қулайдир.

Бундан ташқари марказий кўча чеккаларида ва бинолар пештоқидаги турли хил рангдаги нур сочувчи иллюминацияли безаклар сони ва шаклини ҳам кўпайтирмоқчимиз. Юбилей кунигача Навоий кўчасининг бошидан охиригача «Ўзбекистон байроғи» ва «пахта» шаклида ишланган иллюминацияли безаклар ўрнатилади. Шу жумладан Революция хиёбони, Пушкин, Пролетар, Лоҳутий, Ленин, Ш. Руставели, Б. Хмельницкий, Т. Шевченко, яъни 40 га яқин кўча ва проспектларга «Пахта», «Лола», «Сўзана» каби иллюминацияли безаклар ўрнатилади. Шаҳарнинг диққатга сазовор майдоларида жойлашган бинолар тепасига эса сиёсий мавзудаги шиорлар реклама қилинади.

Шаҳримизнинг 2000 йиллиги олдидан 700 кишилик кўп миллатли аҳил коллективимиз яна бир қанча ишларни амалга оширишади. Бугунги кунда корхонамизда ўндан ортиқ миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб қардошларча меҳнат қилишмоқда. Ҳозир корхонамизда ишлаётган меҳнат пешқадамларидан— рус, Н. Трибицев, украин Ф. Гриченко, Т. Гиалкина, корейс. В. Ким, ўзбек С. Саиджонов, Ш. Юсуфхўжаев, С. Азимов каби илғорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Корхонамиздаги ҳамма миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек иноқ меҳнат қилаётганликлари туфайли олдимизга қўйган мақсадимизни тўла-тўкис амалга оширмоқдамиз. Яқинда Театральная чорраҳасида рангли информацион газета ишга туширилди. Бу шаҳримиздаги тўртинчи «газета»дир. Биринчи газета 1978 йилда редакция корпуси устида ўрнатилган эди. Ў муҳим янгиликлардан бири сифатида қабул қилинди. Ҳозирги кунда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг бош биноси ва «Ўзбексоюзгоспром» трести биносининг тепасида ҳам шундай «газета» ташкил этилган. Бу рангли информацион газеталар ҳамшаҳарларимизни кундалик воқеалардан хабардор қилиб, шаҳримизни бир безаги сифатида яшнаб туради.

...Қардошлик шаҳри бўлган Тошкентимизнинг тунги кўриниши беқиёс гўзалдир. Юбилей кунигача бу гўзаллик яна ўн чандон ошади.

С. ТОЛИПОВ,
шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли шаҳар кўчаларини ёритиш идораси бошлиғи.



Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг электр аппаратлар ремонти цехининг илғор бригадаси коллективи 17 апрель Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни смена топшириқларини бир ярим нормага етказиб адо этишга аҳд қилган. Бу бригадага Узбекистон Компартияси XX съезди делегати, ветеран ишчи Александра Бессчетнова бошчилик қилади.

СУРАТДА: А. Бессчетнова (ўртада) бригада аъзолари билан коммунистик шанбалик кунида бажариладиган ишлар юзасидан маслаҳатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

• Беш йилликнинг ёш гвардиячилари

ҒОЛИБ ҚИЗЛАР

«СССР 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта!» ташаббуси пойтахтимиздаги кўпгина корхоналар қатори Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам кенг қулоч ёйган. Ҳар бир цех, бригада ёки ишчи бу ташаббусга ўз ҳиссасини қўшиш учун ғайрат кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили сифатида пардозлаш фабрикасини олайлик. Бу фабрика-комбинатнинг ишлаб чиқарган ҳамма маҳсулотига якун ясаб, тайёр маҳсулотни тақдим этадиган жой. Фабрикада 8 та цех мавжуд. Ана шу цехлар ичида назорат-саралаш цехи тайёр маҳсулотнинг сифатини аниқлаб беради. Цех ишчиларининг асосий қисмини комсомол-ёшлар ташкил қилади. Зарбдор ҳафталиклар муносабати билан цехдаги 8 та комсомол-ёшлар бригадаси ўзаро социалистик мусобақа бўйича шартнома тузишди. Ҳозирги кунда мусобақа натижалари ҳафта охирида якунланиб, ғолиб чиққан бригада фабрика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилмоқда. Бу коллективлар орасида бир бригаданинг номини алоҳида тилга олиб ўтса арзийди.

8 нафар қиздан иборат бўлган бу бригадага Т. А. Кумова бошчилик қилади. Бригада аъзолари бир-бирларига меҳрибон, аҳил. Бу қизлар бригада пудрати методи бўйича ишлашади.

— Бу методга киришганимизда дастлаб бироз қийинчиликларга дуч келдик, — дейди бригада етакчиси Татьяна Андреевна. — Бироқ қийинчиликларни тезда бартараф эта олдик. Мана, энди эса ишимиз яхши. Цехда «менинг ишим», анависи «сенинг ишинг» деган гап йўқ. Тўғри келган ишни бажариб кетаверамиз. Шерикларимиз бирор сабаб билан ишга келмай қолса, унинг ўрнини ҳам билдирмай ишлайверамиз. Натижада ўша кунги назоратдан ўтказилган тайёр маҳсулот кўрсаткичига ҳеч қандай шикаст етмайди. Смена давомидаги нормамиз ортиғ бўлса-бўладики, кам бўлмайди. Социалистик мусобақа асосидаги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Қизларимиз билан доимо марра сари интиламиз. Бригада аъзолари Г. Айжонова, А. Султангужина, Р. Сарибаева, З. Ҳайрулина, Р. Мўминова, Ш. Сибохина, А. Алимбоевалар ишчи касби ортидан бахт топаётганлардан.

Бу оловқалб қизлар коллективи ҳозирги кунда ҳафталик пешқадамлари саналмоқда. Ўтган ҳафталиклар мобайнида улар бир неча марта ғолиб чиққанлар.

Бригада январь-февраль ойлари планини ортиғи билан адо этди. Планга кўшимча равишда 600 минг метр тайёр газлама назоратдан ўтказилди.

Бригада жонкуярлари шу кунларда биргина ҳафталик илғорлари бўлиш билан чекланиб қолмай, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда яхши натижаларга эришиш билан якунлаш ҳамда шонли ВЛКСМнинг XIX съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун янада жўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Г. МАМБЕТОВА.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз зиммаларига олган план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: илғор тикувчи, мусобақа ғолиби Гулнора Тўлагановани кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи ойлик нормаларини ҳамиша ортиғи билан адо этади.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Андижондаги 37-ҳунар-техника билим юртида рус тилини ўқитишнинг янги методикаси жорий этилди. Бунда оғзаки нутқни ўзлаштиришда техника воситаларидан интенсив фойдаланиш, олинган билимларни мустаҳкамлаш дарслари, адабий ўқиш ва ёзиш машғулотлари ўтказиш кўзда тутилади. Бу ерда рус тили дарслари ўқувчиларнинг ўз кучлари билан жиҳозланган лингафон кабинетида ўтказилмоқда.

* * *

Ангрендаги 2-интернат-мактабида ўқувчиларнинг туғилган куни нишонланмоқда. Интернат мактабни оталиққа олган Ангрен геолог-разведкачилар ининг ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда болалар учун совғалар тайёрланди, концерт қўйиб берилди. Мактаб ўқувчилари эса ўз навбатида оталиққа олган корхона ходимларини меҳмонга таклиф этдилар.

* * *

Москва районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашларининг хонадонларида «зангори олов» ёқилди. Бу колхоз йил бошидан бери Андижон областида газлаштирилган бешинчи хўжаликдир. Наманган, Андижон, Фарғона — Ленинск магистрал газ қувурларининг иккинчи тармоғи қурила бошланди. Бу эса колхоз ва совхозларни газлаштириш жадаллаштириш имконини беради.

* * *

Чортоқ районидаги маиший хизмат уйи ҳузурида тандир тайёрлайдиган цех очилди. Ҳозирги пайтда Наманган областининг барча районларида шундай цехлар ишлаб турибди, уларнинг иккитасида эса қишлоқ аҳолиси учун сопол идишлар тайёрлаб берилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

Бутун инсоният байрами

ЛУАНДА, СССРнинг 60 йиллиги—бутун инсоният байрами, деди Сан—Томе ва Принсипи озодлиги учун кураш ҳаракати (МСТП) мувофиқлаштириш кенгаши сиёсий бюросининг аъзоси, кенгашнинг социал масалалар маориф ва юстиция ишлари бидан шуғулланувчи секретари Эвариштуе Де Карвалью ТАСС мухбири билан суҳбатда. СССРнинг ташкил топиши ва турмушнинг барча соҳаларида совет халқи эришган улкан муваффақиятлар, деди у, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга.

Улуғ Октябрнинг шонли самараси бўлган кўп миллатли Совет Иттифоқида ленинчи коммунистик партиянинг толмас фаолияти натижасида халқлар ўртасида тенглик ва дўстлик принциплари амалда вужудга келди, деб таъкидлади Эвариштуе Де Карвалью. Бу пролетар интернационализми принципи изчил амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир.

СССР, деди Эвариштуе Де Карвалью, ҳамиша тинчлик, социал адолат ва халқлар тенглиги учун курашнинг олдинги safларида бормоқда. СССР ҳамиша империализмга қарши, мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши курашаётган кишилар томонидадир.

САМОЛЁТДА ЕР КУРРАСИ БЎЙЛАБ

САН-ФРАНЦИСКО. Американинг Том Жевитт шу йил май ойи бошларида самолётда ер курраси атрофини қўнмасдан учиб ўтмоқчи. Бунинг учун махсус қурилган самолётнинг узунлиги 8 метр ва қанотлари 16 метр бўлиб, 1800 литрча ёқилғини олиб парвоз қилади. Конструкторларнинг ҳисоблаб чиқишларича, 1 литр ёнилғи таҳминан 25 километр масофани босиб ўтишга етарли. Демак, иккинчи марта ёнилғи олмасдан бутун маршрут бўйлаб парвоз қила олади.

Самолёт 6600 метрдан 8800 метргача баландликда таҳминан тўрт кун учади. Жевиттнинг айтишича, шу вақт ичида кўпи билан 10 соат ухлайди. Самолёт автопилотга ва самолёт бирданига пастлашиб кетган ёки йўлдан адашган тақдирда «огоҳлантирадиган қурилмаларга эга. Учувчи Техас штатидаги Хьюстон аэродромидан учиб, кейин Мексика қўрфази, Азор оролларидан шимолга қараб Атлантикадан Испания, Миср, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Ҳитойнинг жанубий қисми ва Тинч океан орқали учиб ўтади.

Совет буюртмалари асосида

ПРАГА. Прагадаги «Ческе лоденице» кемасозлик корхонаси причаллари ёнига қўйилган иккита янги земснарядда монтажчилар билан созловчилар кема асбоб-ускуналарини ўрнатиш ишларини тугалламоқдалар. Яна бир неча ҳафтадан кейин улар дарёлар ва каналлар орқали СССРга йўл олади.

Бу йил кемасозлик корхонасининг коллективи ҳаммаси бўлиб совет буюртмалари асосида 6 та катта техник кема ясайди. Улар орасида ҳар соатига дарёлар тубидан, 2,5 минг куб метр қум-шағал аралашмасини чиқариб ташлай оладиган баҳайбат «катунь» земснаряди ҳам бор. Бу— Прага кемасозлари СССРга етказиб берадиган юксак унумли учинчи кема бўлади.

СССР билан 30 йиллик ҳамкорлик мобайнида «Ческе лоденице» кемасозлик корхонаси СССРга етказиб берган 350 тадан ортиқ техник кема Волга ва Камада, Енисей ва Ленада, Амударё ва Вахшда ишлаб турибди.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ерда шаҳар маъмурларининг уй-жой сиёсатини қораловчи даъватномага имзо тўплаш давом этмоқда. Бу сиёсат уй-жой эгаларининг манфаатларини кўзлайди. Маъмурларнинг ижара ҳақи устидан контролни бекор қилиш ниятига қарши чиқаётган ғарбий берлиндиклардан 60 мингдан кўп киши даъватномага имзо чекди. Контролнинг бекор қилиниши ижара ҳақи янада кўтарилишига олиб келади.

* * *

ВАШИНГТОН. Президент Рейган 1983 молия йили бюджетининг лойиҳасида таклиф этган шаҳарларни ривожлантириш эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларни қисқартириш Америка шаҳар марказларининг иқтисодий ва социал аҳволига жуда катта зарар етказади. АҚШ шаҳар ҳокимлари конференциясининг раиси, Линкольн шаҳрининг ҳокими (Небраска штати) Х. Бусэлис Хоним шуларни айтди. У вакиллар палатаси бюджет комиссиясида сўзлаб, мамлакатда ҳатто гоят қулай иқтисодий вазият ҳукм сурган шароитда ҳам таклиф этилган қисқартишларни бартараф этиш қийин бўлар эди. Шаҳарлардаги кўпгина оилалар нормал уй-жой билан таъминланмаган, миллион-миллион америкаликлар ишсиз юрган ҳозирги пайтда шу қисқартишлар «ҳақиқатда оғир» қисқартишлардир, деди Х. Бусэлис хоним.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Американинг Питтсбург шаҳрида Жанубий Африка Республикасининг консулхонаси очилганлиги шу шаҳар жамоатчилигининг қатъий норозилигига сабаб бўлди. Бу ерда бўлган митингда «Питтсбург аҳолиси апартеид сиёсатига қарши» деган уюшманинг вакили Мона Риско Хоним гапириб, «АҚШ Африкадаги бу мамлакатда апартеид мавжудлигига панжа орасидан қараб, ҳамон уни эътироф этиб келмоқда», деди. АҚШ металлургия саноати ишчиларининг бирлашган касаба союзи (унинг қароргоҳи Питтсбургда жойлашган) баёнот тарқатиб, унда претория ирқчи режими ваколатхонасининг очилишини шаҳар аҳолисини «ҳақоратлаш» деб таърифлади.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати 200 мингдан 1,5 миллион кишигача аҳолиси бўлган шаҳарларни ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишга киришди. Жамоат ишлари ва уй-жой қурилиши министри Бхишма Нарлин Сингх парламентда гапириб, шуни маълум қилди. Программа ривожланган шаҳар инфра структураси яратилишини, шаҳарларни электр энергияси ва ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланишини, медицина муассасалари ва маданият муассасалари тармоқлари кенгайтирилишини кўзда тутади.

* * *

ТОКИО. Япония шаҳарларидаги аҳоли тобора зичлашиб бормоқда. Токиода эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳозир қариб 90 миллион япониялик, ёки мамлакат аҳолисининг 77 процентга яқини шаҳар аҳолисидир. Японияда аҳолисининг сони миллион кишидан ошган 10 та шаҳар бор. Шулардан энг каттаси— Токиода 11,6 миллион киши яшамоқда.

Шаҳарларда аҳолининг гоят зичлашиб кетганлиги — уй-жой танқислиги, иморатларнинг ҳаддан ташқари яқин-яқин жойлашиши, атмосфера ва сув ҳавзаларининг булғанлиги каби кўпдан кўп проблемаларни вужудга келтирмоқда.

* * *

ПРАГА. Ўз қўриқхонаси билан фахрланадиган шаҳарлар камдан-кам. Лекин Шимолий Чехия металлургия саноатининг маркази Хомутовода шундай қўриқхона бор, ўрмон парк территориясида Европа ҳайвонот оламининг 520 хилдан кўп паррандаси ва ҳайвони яшайди. Қўриқхонани вужудга келтиришда шаҳар аҳолиси актив қатнашди.

Халқ ҳокимияти йилларида Хомутово райони таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу шаҳарнинг кўп асрлик тарихи металлургия саноати билан боғлангандир. Эндиликда корхоналар ёнида кўпдан-кўп хиёбонлар ва паркларни кўрасиз. Социалистик давлат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тўғрисида гамхўрлик қилаётганлиги табиатни муҳофаза этишга кўп маблағ ажратилаётганлиги туфайли шундай қилиш мумкин бўлди. Чанг тўзонли шаҳар кўчаларида яккам-дуккам дов-дарахтлар ўсган замонларни бугунги кунда архив фотосуратларигина эслатиб туради.

ҲИНДИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ДЕҲЛИ. Шу беш йилликнинг (1980 — 85 йиллар) дастлабки икки йили мобайнида Ҳиндистон нефть, кўмир саноатини, қора металлургия ва индустриянинг бошқа асосий тармоқларини, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришди. Миллий тараққиёт кенгашининг мажлисида нутқ сўзлаган бош министр И. Ганди шу ҳақда гапирди. Мажлисда штатлар ҳукуматлари САР министрлари ҳамда мамлакат иттифоқ территорияларининг губернаторлари иштирок этди.

Шу билан бирга И. Ганди энергетика ва ирригация соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда жиддий камчиликлар борлигини уқтириб ўтди. У штатлар ва иттифоқ территориялар маъмуриятини экономика самарадорлигини ошириш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, катта-катта саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари қуриш муддатини қисқартириш юзасидан амалий тадбирлар кўришга чақирди. Мажлис қатнашчилари ҳукуматнинг яқинда қабул қилган 20 банддан иборат янги социал-иқтисодий программани маъқулладилар. Ана шу программа доирасида иш билан таъминлаш, уй-жойларнинг етишмаслиги проблемасини ҳал этиш, маориф, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, қишлоқларни электрлаштиришга маблағлар анча оширилди.

ЯНГИ МОТОР

ПРАГА. Чехословакиянинг «Лиаз» бирлашмасида кўп юк ташийдиган автомобиллар учун мўлжалланган янги мотор яратилди. Корхона инженерлари ва конструкторлари унинг ишлаш муддатини 40 процент оширишга муваффақ бўлдилар, бунинг натижасида автомобиль 420.000 километр йўл босгандан кейин унинг мотори капитал ремонт қилинади. «Лиаз» юк машиналарининг кўпчилигига 1983 йилдан бошлаб янги моторлар ўрнатилади. Бу машиналар чет мамлакатларга кўплаб етказиб берилмоқда. Бирлашма Совет Иттифоқининг буюртмалари билангина ҳар йили уч мингтадан кўпроқ шатакчи автомашина ишлаб чиқармоқда.

Японияликлар бир группа ёш олимлар Комор ороллари районида илмий текширув ишлари олиб боришаётган вақтда кистёперлар оиласига мансуб жуда катта ҳажмдаги балиқни тутиб олишди. Денгиз чуқурликларида яшовчи бу турдаги балиқлар бундан минг йиллар муқаддам йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланиб келинарди. Оғирлиги 85 килограмм ва узунлиги 175 сантиметр келадиган камдан-кам учрайдиган бу ов Японияга музлатилган ҳолда олиб келинди. (суратда).

Жапан пресс — ТАСС фотоси.

ЖИНОЯТЧИЛИК МАКТАБИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ армияси — чинакам жиноятга ўргатувчи мактабдир. Вьетнамдаги «ифлос уруш»да қатнашган собиқ ҳарбий хизматчилардан тахминан 15 минг киши ҳозирги вақтда қамоқда ётганлиги шундан далолат бериб турибди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг таъкидлашича, буларнинг кўпчилиги қуролли ўғрилик ва қора дори билан чайқовчилик қилганликлари учун озодликдан маҳрум этилган.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

БАҲОРНИНГ МУҲИМ ЮМУШЛАРИ

Кейинги ўн йилликда шаҳримизда турар-жой қурилиши кенг қўламда олиб борилмоқда. Натижада, аҳолига хизмат қилиш пунктларига эга бўлган кўплаб замонавий микрорайонлар тикланди. Шаҳарда маъмурий ва маданий-маиший марказлар барпо этилди. Шу билан бир қаторда эски районларни қуриш ва реконструкция қилиш, турар-жой территорияларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир и ш ва сув билан таъминлаш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Шаҳарда бир вақтнинг ўзида ўн мингга яқин турли хил транспорт ҳаракат қилаоладиган йирик магистрал тармоқ бор. Бу ерда метрополитеннинг иккинчи навбати қурилиши олиб бориляпти. Жуда кўп саноат корхоналари бор. Уларнинг ҳаммаси шовқиннинг кўпайиши, ҳавонинг чанг ва газ билан ифлосланишига олиб келяпти. Бунинг устига шаҳарда умуман шабада эсмайдиган кунлар кўп бўлади. Худди шу нарса бир ярим миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган шаҳарни ободонлаштиришга алоҳида аҳамият беришни талаб қилади.

Қулай иқлим яратишда кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти жуда катта. Кўкаламзорлаштириш ёрдамида турар жой территорияларини ҳимоя қилиш ва кўчаларни қуёш радиациясидан сақлаш амалга оширилади. Дарахт ва яшил майсалар тупроқни ва бошқа қопламаларни ўта қизиб кетишдан сақлаб, ҳароратнинг пасайишига шароит яратади. Шу боисдан ҳам уларни турар жой ва жамоат биноларини иссиқликдан сақловчи восита деб аташ мумкин. Ўтказилган кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, кўкаламзорлаштирилган районларда ҳавонинг ҳарорати 1,5—3 даража, тупроқнинг ва асфальт қопламаларининг ҳарорати 15—24 даража паст бўлади.

Дарахтлар, яшил майсаларнинг товуш энергиясини ютиш ва қайтариш қобилиятлари уларнинг энг қимматли гигиеник хислатларидан ҳисобланади. Улар шаҳардаги шовқинни камайтиришга ёрдам берадилар. Ҳаракатдаги транспорт вужудга келтирадиган товуш тўлқинлари дарахтларнинг баргларига урилиб синадилар. Шунинг учун ҳам дарахтларнинг ўртасидаги уйларда осойишталик бўлади. Қаерда дарахтлар кўп бўлса шу ерда шовқин кам бўлади. 7—8 метр баландликдаги дарахтлар шовқинни ўртача 6—13 дицебаллга камайтиради. Бироқ ҳамма дарахтларнинг ҳам шовқинни ютиш қобилиятларини бир хил деб бўлмайди. Чинор, тол бу борада жуда қулай. Арчанинг товуш ютиш хислати унча яхши эмас. Шу боисдан ҳам кўчаларни кўкаламзорлаштирилаётганда дарахтларнинг ана шу хислатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаммага маълумки, шаҳардаги қурилиш олиб борилаётган жойларда боғлардаги ҳавога нисбатан газ, тутун, турли хил микроорганизмлар кўп бўлади. Шаҳар ҳавосининг ифлосланишини камайтириш муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифани ҳал қилишга ҳозир алоҳида эътибор берилмоқда. Дарахтлар ҳавонинг энг кўп ифлосланган қисмидаги чангларни тутиб олади ва шу билан бирга ҳавони турли зарарли элементларда тозалайди. Ана шу соф ҳаводан инсон баҳраманд бўлади. Бундан ташқари дарахтлар чангни механик усулда тозалаб қолмасдан, газдан тозалашда химик фильтр вазифасини ҳам бажаради. Масалан, улар ҳаводаги олтингугурт газини ажратиб олиб, ўз тўқималарида қайтадан ишлаб сульфатларга айлантиради. Дарахтлар қуёш нури ёрдамида турли кислоталарни қабул қилиб олиб ўзларидан кислород чиқарадилар.

Яшил дарахтларнинг фильтрлаш қобилиятлари туфайли баргларга микроблар ўтириб қолади. Кейин эса ёмғир ёрдамида ювилиб ерга тушади. Дарахтлар билан қопланган жойлардаги ҳавода очиқ жойдаги ҳавога нисбатан микроблар икки уч ҳисса кам бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, дарахтларга ўз вақтида хизмат кўрсатилганда; яъни вақти-вақти билан ювиб турилса, сув билан таъминланса ўз функцияларини яхши бажаради.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда шаҳар ирригация системаси катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида бу системани ҳам вақтида тозалаб туриш лозим. Территориялардаги иқлимга ҳавзалар, фавворалар, сувни сачратиб сочиш мосламалари катта ёрдам беради. Уларнинг ёрдамида яшил майсаларнинг устки қисмлари намланади. Худди шу нарса ҳаво ҳароратининг 2-6 даража, тупроқдаги ҳароратнинг 5—20 даража пасайишига шароит яратади.

Баҳор келиши билан ҳовли, ариқ ва кўчаларни тозалашга алоҳида аҳамият берилиши лозим. Чунки тўпланиб қолган турли хил ахлатлар ҳавонинг исиши билан пашша ва турли хил микробларнинг кўпайишига ва турли хил юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш учун йўлларнинг устки қисмларини қоплаш ишларини назорат қилиб бориш лозим. Айни пайтда саноат корхоналаридаги тозалаш мосламалари ва қозонхоналарнинг нуқсонсиз ишлашларини назорат қилиб бориш, автомашиналар двигателларининг техник ҳолатларини ҳам кузатиб туриш керак.

Бу ишни амалга оширишда шаҳардаги санитария-тозалаш ташкилотларига шаҳардаги меҳнатга лаёқатли барча аҳоли ёрдам кўрсатиши керак. Улар, микрорайонлар, саноат корхоналари ва шаҳардаги барча объектларнинг территорияларини кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларида фаол қатнашмоқликлари лозим.

И. ГЕЛЛЕР,
медицина фанлари кандидати.
М. ҚЎЧҚОРОВА,
медицина фанлари кандидати.

• Олтин умрим—олтиндан қиммат

КЕКСАЛИК НИМА?

Олимларнинг узоқ йил кузатишлари шуни кўрсатдики, инсоннинг тез кексайиши ёки кеч кексайиши кўпроқ ўзига боғлиқ экан. Кексайиш, яъни қариш — индивид онтогенезнинг бир даври, тирик организм, жумладан одам ва ҳайвонларда узлуксиз биологик ўзгаришлар натижасида қонуний равишда рўй берадиган жараёндир.

Кексаликни биологик моҳияти ҳақида икки юзга яқин гипотеза маълум. Аксари олимларнинг фикрича, кексалик — ҳужайралар бўлиниш тезлиги ва тўқималарнинг ўз-ўзидан янгиланиш хусусияти сусайишидан иборатдир. Моддалар алмашувида актив қатнашадиган оқсиллар камаяди, ёғлар алмашуви сусаяди. Организмда бўладиган ёғсимон моддалар ўртасидаги нисбат ҳам ўзгаради: лецитин камайиб, холестерин кўпаяди. Кўп органлар атрофияланади (тўқималар ва хужайраларнинг кичрайиш ҳолати), биринчи галда нерв системаси ва ички секреция безлари фаолияти бузилади.

Ишламайдиган тўқималар ўрнини бириктирувчи тўқима ва ёғ тўқимаси эгаллайди. Асосан қорин ва энсани ёғ босади. Тўқималар сув йўқотгани сабабли тери қуришади ва буришади. Юз ва бўйинга, айниқса пешонага, кўз ва оғиз атрофига ажин тушади. Суяклар ингичка ва мўртроқ бўлиб қолади, бўғимлар ҳаракати камаяди, бўй чўкади, қад-қомат ҳам ўзгаради.

Барвақт (патологик) ва табиий ёки физиологик кексайиш бўлади. Нотўғри овқатланиш, шунингдек спиртли ичимликларга ружу қилиш, тамаки чекиш барвақт кексайиш сабабларидандир. Физиологик кексайиш узоқ умр кўришга тўсқин бўлмайди, унда ақлий ва жисмоний куч, иш қобилияти, ҳушчақчақлик, атроф-дунёга қизиқиш сақланади. Физиологик жиҳатдан кексайган 80—100 (ва ундан ҳам юқори) ёшдаги кишиларда кексаликка хос ўзгаришлар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Барвақт кексайишнинг олдини олиш учун ёшликдан меҳнат, дам олиш, овқатланишни тартибга солиш, спорт ва физкультура билан шуғулланиш керак. Ижтимоий фойдали меҳнат ҳам барвақт кексайишнинг олдини олишда катта роль ўйнайди. Олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга кирган аёллар пенсия билан таъминланади. Аммо соғлиқни сақлаш ва барвақт кексайиб қолмаслик учун пенсияга чиққандан кейин ҳам қурби етадиган жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланиш айни муддао бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир киши ёшлик чоғидан барвақт кексайиб қолмаслик чораларини кўриб бориши керак. Инсон ҳаётда учрайдиган баъзи бир кўнгилсизликларни ақл-идрок билан бартараф қилиб, ўзини ва ўзгаларни ортиқча кайфиятини бузмасликка ҳаракат қила олсин деймиз.

О. КАРИМОВА.

Биринчи категорияли врач-ординатор Хайрулла Жалилов йигирма йилдан бери Тошкент медицина институтининг ортопедия-стоматология поликлиникасида ўз касбини сидқидилдан бажариб келяпти. Уни стоматологлар яхши мутахассис, ўз касбининг устаси деб билишади.

— Биз ортопедия-стоматологияга янгилик киритдик, — дейди Х. Жалилов, — Протез тишларни махсус аппаратда гамма нури билан мустаҳкамлаяпмиз.

СУРАТДА: (чапдан биринчи) моҳир стоматолог Хайрулла Жалилов студентларга протез тишларни қандай қуйишни ўргатмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишда даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш билан бирга, улар ўртасида санитария-гигиена билимларини олиб бориш, уларни гигиена таълим-тарбияси билан таъмин этиш катта аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олиб «Медицина» нашриёти оналар учун бир қанча рисолаларни нашр этди. Қуйида сиз уларнинг айримлари билан танишасиз.

«Ҳомиладор аёлларда камқонлик». Меҳрибон оналаримизнинг меҳрибон ва жонкуяр шифокори, медицина фанлари доктори, профессор Асолат Азизовна Қодировани оналаримиз яхши танишади. Таниқли шифокор ўзининг кўпгина фойдали маслаҳатлари билан оналарга қувонч улашган. Мазкур рисолада муаллиф ҳомиладор аёлларда камқонликнинг пайдо бўлиши, асоратлари, унинг олдини олиш ҳақида фикр юритади. Камқонликнинг олдини олишда тўғри ва сифатли овқатланишнинг аҳамияти кўрсатилади.

«Ҳомиладорлик токсикозлари нима?» Мазкур рисола М. Иброҳимова ва З. Абдуллаева қаламига мансуб бўлиб, муаллифлар ҳомиладор аёлда рўй берадиган токсикозларнинг турлари, кечиши ҳақида фикр юритадилар. Агар аёл вақтида врачга мурожаат этмаса, токсикозаларнинг оғир турга ўтиб кетиши мумкинлиги таъкидланади. Бошқоронғи бўлиб кўп қайт қиладиган аёлларга тегишли маслаҳатлар берилади.

«Сут безларини яллиғланишдан эҳтиёт қилинг». Ҳомиладор аёл туғилажак фарзандини эмизиш учун сут безларини гигиеник жиҳатдан қандай тайёрлаши керак? Улар мастит бўлиб қолмасликлари учун кўзи ёриган аёл нималарга эътибор бериши лозим? Муаллифлар кўпчилик ёш оналарни қизиқтирадиган ана шу саволларга жавоб беришади.

«Ичкиликбозлик курбонлари». Рисола муаллифи Г. Мирзаалимова одам шаънига доғ туширадиган энг зарарли одатлардан бири — ичкиликбозликнинг аёл ҳомиласига зарари, ичкилик оқибатида аёллар баъзан ногирон фарзанд туғишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Мазкур рисолаларни ўқишга қизиққан аёлларимиз китобчаларни Жуковский кўчасидаги «Медицина» китоб магазинидан, китоб расталаридан олишлари мумкин.

Ю. АҲРОРОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

Москвадаги «Коммунальник» машинасозлик заводи шаҳар коммунал хўжалиги учун 50 хилга яқин турли-туман маҳсулотларни, шу жумладан йирик жамоатчилик кир ювиш корхоналари учун мўлжалланган кучли кир ювиш машиналарини ишлаб чиқаради.

Амалда бу ерда барча маҳсулотлар биринчи тақдимдаёқ топширилади. Корхона маҳсулотларининг бешдан бир қисмидан зиёди давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Заводда ҳар йили маҳсулотларнинг ярми янгиланиб туради. «Коммунальник» маркаси бўлган буюмлар ПХР, ЧССР, ГДР, Румыния, Югославия, Вьетнам, Афғонистон, МХР, Ҳиндистон, Япония, Испания, КХДР, Болгария ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.

СУРАТДА: кир ювиш машиналарини йиғиш цехида.

ТАСС фотохроникаси.

ТАҚРИЗ

ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛИДА

Еш ёзувчи Ғаффор Ҳотамовнинг «Хат ташувчи бола» номли илк тўпламига кирган айрим ҳикояларида, хусусан «Тонг ва шом»да бошқа улкан адибларнинг, аниқроғи Чингиз Айтматовнинг ижодий таъсири сезилиб турар, муаллифнинг ўзига хослиги нисбатан камроқ кўринган эди. Унинг яқинда Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Қайтиш» деб номланган илк қиссасида бошқа адибларнинг таъсири қисман сезилса-да (Акрам диссертацияси муҳокамаси эпизоди мазмунан «Диёнат»даги Ҳайдар ҳимояси, қисман, «Гирдоб»даги Азиз ишининг муҳокамаси эпизодига ўхшайди), умуман олганда ўзига хослиги — ҳаётни борлиғича, мураккаблигича тасвирлашга, қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракати ва ўзаро муносабатларини ҳаққоний ифодалашга интилиши аён кўриниб турибди.

Асар бош қаҳрамонларидан бири Акрам баъзи бир йигитлардай севгилисига эришиш, у билан бирга яшаш учун турли йўлларни ишга солмайди. Унинг қалбида баъзи пайтлари муҳаббат ҳислари устун келса, айрим вақтлар илмга интилиш кучайиб бошқа туйғулар иккинчи планга ўтиб туради. Шу маънода у кўнгил туйғулари билан иш кўрувчи, бир оз гарангсиб юрувчи — дарвешсифат йигит.

Институтдаги бўлиниш пайтида Хосият Наманганга ишга кетади. Акрамни эса домлалардан бири раҳнамолик қилиб Тошкентдаги илмий текшириш институтига жойлаштирган. Аммо домласининг ғанимлари ва айрим иззатталаб одамлар туфайли Акрамнинг иши юришавермайди. Унинг севгилиси Хосиятнинг тақдири янаям чигал: у ишратпараст Адҳам Воҳидовичнинг анча пишиқ ишланган тўрига тушиб, номуси барбод бўлади. Ҳар икки севишган бир-бирининг ҳаётида кейинги пайтларда юз берган ўзгаришлардан хабардор эмас. Худди шунинг ўзи ҳам қисса сюжетига ўзига хос ранг ва оҳанг беради.

Бунинг устига Ғ. Ҳотамов уларнинг ҳаёт йўлини, руҳий оламини ипга маржон тизгандай содда ва аниқ қилиб ифодаламайди. Унинг тасвир усули кўпроқ турли рангдаги чувалашган ипларни эслатади. Ёзувчи қаҳрамонларнинг бир кунлик ҳаётини тасвирласа-да, вақти-вақти билан гоҳ уларнинг ўтмиш ҳаётини, гоҳ Акрамнинг Хосиятга, ёки ота-онасига, гоҳ Хосиятнинг Акрамга ёки Адҳам Воҳидовичга муносабатини бериш йўлидан боради. Бу жиҳати билан Ғ. Ҳотамов ҳаётни ва асар қаҳрамонларини турли томондан шошилинч суратга олаётган ижобий маънодаги бетоқат операторни эслатади.

Тўғри, у дуч келган қаҳрамоннинг ҳаётини дуч келган жойидан пойма-пой равишда «суратга» олавермайди. Муаллифнинг тасвирлаш усулида ҳаётдагидай ғалати бетартиблик бўлса-да, йиғиқлик ҳам бор: дастлаб Акрамнинг ўз ҳаётидаги айрим лавҳалар ва қизга муносабати унинг ўша кунги ҳолати ва хаёлларига боғлаб ифодаланади. Асар ўрталарига бориб, Акрам ва Хосият меҳмонхона номерига киришганда Хосиятнинг руҳий олами орқали унинг Наманганадаги ҳаёти, Адҳам Воҳидовичнинг уни «камомат қилдириб» қўлга туширганлари очилади. Асар охирроғида эса бугунги кун тасвири кўпроқ. Муаллиф гоҳ Хосиятнинг, гоҳ Адҳам Воҳидовичнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ўйлари орқали улар ички дунёсини керагича ифодалайди. Аммо бу ўринларда ҳам қаҳрамонларнинг яқин ўтмишдаги ҳаёти ва бугунги ўйлари қоришик ҳолда берилади. Деярли барча ўринларда атроф-муҳит ва қаҳрамонлар ҳаёти ранг-баранглиги, мураккаблиги билан кўрсатилади. Лекин ана шу мураккаб фан орасида ҳам асосий қаҳрамонлар — Акрам, Хосият, Адҳам Воҳидовичларнинг образлари, ҳаёт йўллари, руҳий оламлари бўртиб кўринади.

Диссертацияси нотўғри баҳоланиб дарди дунёси қоронғу бўлиб юрган Акрамга Хосият ҳам совуқ муомала қила бошлагач, йигит бунинг сабабини ўйлай бошлайди ва шунчаки аразлаган, деган хулосага келади. Бироқ қиз ҳадеб ўзини олиб қочаверади. Қаҳрамонларнинг худди ўша дақиқалардаги ҳатти-ҳаракатлари, ҳолатлари ёзувчи томонидан яхши чизилган.

Меҳмонхонадаги эпизодлар, Акрам ва Адҳам Воҳидовичнинг ўзаро муносабатлари тасвири, йигитнинг бу «суварак»дан тезроқ қутилиб, Хосиятга мудаосини (тўй қилиш кераклигини) айтишга интилишлари қанчалик табиий бўлса, Адҳам Воҳидовичнинг ҳеч бир пинак бузмасдан ўз билганича иш тутиб радиодан мухбир чақириши, зиёфат ташкил қилиши, ўзининг бойваччалигини намойиш қилиб, айш-ишратни давом эттиришга интилишлари, Хосиятнинг эса дастлаб ҳар иккаласини муросада ушлаб туришга интилиб, сўнг виждонан қийналиб йигит олдида ўзини фош этишлари ҳам шунчалик табиий.

Акрамнинг шундан кейинги аҳволи, Адҳам Воҳидовични боплаб дўппослаши, милиционерларнинг келиши, қизнинг йигитни қутқаришга интилишлари — ҳаммаси кишида шубҳа уйғотмайдиган даражада ҳаётий ва табиий гавдалантирилган.

«Қайтиш»да ҳаёт ҳақиқати мураккаблигича гавдалантирилганининг яна бир сабаби бор. Ғ. Ҳотамов бир қатор ўринларда бир воқеага турли хил қаҳрамонлар нуқтаи назаридан қараб, ҳар сафар воқеликнинг аввалги персонаж кўзи тушмаган томонини очиб беради. Масалан Акрамнинг Наманганга Хосиятни қидириб бориш эпизодини дастлаб Акрамнинг хаёлидан ўтказиб ифодалайди. Бу эпизод билан ёзувчи Акрамнинг уйдагиларнинг «бошингни иккита қиламиз» деган қистови билан қаттиқ аёзда Наманганга бориб ҳам, сўнг Гулистонга телефон қилиб ҳам Хосиятни тополмаганини тасвирлайди. Акрам бу воқеага жиддий маъно бериб ўтирмайди. «Дилбар опа нега алдади экан? Ёки оралардан ола мушук ўтдимикан?» деб ўйлаб қўя қолди. Хосиятнинг Акрамга учрамаганлигининг асл сабабини Ғ. Ҳотамов сўнгроқ Хосият қалб кечинмалари ва ўша пайтдаги ҳолати тасвири орқали очиб беради. Шу тариқа Хосият ўшанда «камомат қилиб» қўлга тушганлиги, кўнглига қил сиғмай турган пайтда Акрам келди деган хабарни эшитиб «Мени йўқ деб қўя қолинг» деб юборгани, бир пас ўтгач эса унинг орқасидан югуриб чиқиб тополмаганлиги маълум бўлади. Шу тариқа воқелик ҳам қаҳрамонлар психологияси ҳам турли томондан ёритилади.

Албатта, бу усул ҳамиша муаллифга қўл келган, асардаги барча эпизодлар бирдай ҳаётий мантиқ асосига қурилган демоқчи эмасмиз. Баъзан ҳаётий мантиқ ҳийла бузилган ўринлар ҳам учрайди. Бир гал Акрамга Хосият «Кеча туғилган куним эди», дейди. Энди Акрамнинг гапини эшитинг: «Э, шунақа демайсизми! — Акрам ноўрин ҳазилидан мулзам бўлди. Хижолатдан қизариб, «Табриклаймиз!— деди». Шунча йил бирга ўқиб, севишиб юрган йигит қизнинг туғилган кунини эсдан чиқариши мумкинми? Бунга ўхшаш мисоллар бошқа ҳолатларда ҳам учрайди.

Тўғри, булар озгина таҳрир билан ўрнига тушадиган қусурлар. Аммо улардан қутилинса, қисса ҳозиргидан ҳам мукаммал ва жонли чиқар эди.

Умуман олганда «Қайтиш» қиссасидан Ғаффор Ҳотамовнинг воқеликни ва инсон руҳиятини мураккаблигича тасвирлаш маҳорати шаклланиб келаётганини, агар услуби шу йўсинда такомиллашиб борса, ундан янада етук асарлар кутиш мумкинлигини кўрсатади.

Ботир НОРБОЕВ.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ДАВЛАТМУРОДОВ: Биз «Ёшлик» журнали чиқа бошлагани ҳақида эшитдик. Шу журналга обуна бўлиш мумкинми? Киоскаларга ҳам чиқариладими?

Жавоб: Ҳозир янги адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Ёшлик» журналига 1982 йилнинг қолган ойларига обуна давом этмоқда. Сиз «Союзпечать» агентликлари орқали янги журналга обуна бўлишингиз мумкин. Журнал киоскаларга ҳам оз-оз миқдорда сотувга чиқарилади.

* * *

Ў. БУРОНОВ, Г. МУҲАМЕДОВА: Биз ҳозир ўрта мактабнинг 8-синфида ўқиймиз. Биримиз актёр, биримиз режиссёр бўлишни орзу қиламиз. Ушбу орзумизга етишиш учун қайси ўқув юртида ўқишимиз лозим?

Жавоб: Сизлар мактабни битиргунга қадар шаҳримиздаги маданият саройларида, пионер уйларида ташкил этилган тўгаракларга қатнашишингиз мумкин. 10-синфни битиргандан кейин эса агар актёрлик ва режиссёрликка махсус лаёқатингиз бўлса, конкурслардан муваффақиятли ўтсангиз, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга киришингиз мумкин.

* * *

А. ТЕШАБОЕВА: Мен эстрада ашулаларини ижро этишни орзу қиламан. Эстрада қўшиқчиси бўлиш учун қаерда ўқиш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда маданият уйлари ва саройларида, шунингдек кўпгина санъат масканларида эстрада санъати студиялари ишлаб турибди. Агар бу соҳада истеъдодингиз бўлса, Тошкент Давлат консерваторияси ёки Ҳамза номли музика билим юрти ёнида жойлашган эстрада-санъати студиясида таҳсил олишингиз мумкин. Консерватория шаҳримизнинг Пушкин кўчасида жойлашган.

* * *

А. САИДОВА: «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» кўп серияли телевизион фильмида асосий ролни ижро этган Вячеслав Тихонов яна қандай фильмларда суратга тушган? Шу ҳақда билишни истардик.

Жавоб: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Вячеслав Тихонов биринчи бор кинорежиссёр Сергей Герасимовнинг «Ёш гвардия» фильмида гвардиячилардан бири ролини ижро этган эди. Шундан сўнг у «Бу Пенковда бўлган эди», «Фавқулодда ҳодиса», «Уруш ва тинчлик», «Душанбагача омон бўлсак», «Улар Ватан учун жанг қилдилар», «Фронт ортидаги фронт» каби кўпгина бадиий фильмларда бир қатор тўлақонли образлар яратган.

ТОШКЕНТ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

24 март соат 17 да халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар факультетида ўзбек тилида «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи» мавзуида лекция ўқилади.

Лектор — тарих фанлари кандидати, доцент **Ф. Ш. Шарипов,** 25 март соат 16 да лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида «Ишонтириш санъати — лекторлик маҳоратининг муҳим жиҳати» мавзуида лекция ўқилади.

Лектор — филология фанлари кандидати, доцент **В. П. Хорошкин.**

2-лекция — «Ривожланган социализм шароитида меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ролининг ошиб бориши».

Лектор — фалсафа фанлари кандидати, доцент **Е. Г. Анискин.**

НАБОТОТ ОЛАМИДА

Сув ўти—ҳаёт жарчиси

Сув ўти (хлорелла) ҳақида нима биласиз? Дарҳақиқат сув ўти ҳаёт жарчисими? Сув ўти олдин пайдо бўлганми ё бактериями? Бу ҳақда нима дея оласиз?..

Худди ана шундай саволларга жавоб олиш учун жуда кўп тортишувлар бўлиб ўтди. Бироқ, ҳамма тортишув ва мунозаралар тўла бир битимга келинмай қолаверди. Аммо сувда ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида гипотезалар мавжуд. Аввал сув, сўнгра қуруқлик пайдо бўлган. Дастлаб ҳаёт —сувда, ундан қуруқликка чиққан. Бу ўринда шуни айтиш кераккки, бирламчи ноорганик моддалар, сўнгра эса органик моддалар ҳосил бўлган. Демак, аввал коассерват томчилар, ундан кейин эса, шаклсиз формалар, сўнгра шаклли формалар пайдо бўлган. Демак, ривожланиш оддийдан мураккабга, яъни бир ҳужайралидан кўп ҳужайралига ўтган.

Бу ўринда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг бир группа олимлари кузатган тажриба жуда ҳам қизиқ маълумотлар берди. Ерда аввал қайси организмлар пайдо бўлган деган саволга, шундай жавоб топишди. Улар герметик — маҳкамлаб бекитилган шиша идиш ичига кўпгина организмларни яхшилаб жойлашди. Шуниси қизиқки, бу идишдаги бактериялар кўпи билан 12 йил ҳаёт фаолиятини сақлагани кузатилган. Кўк яшил сув ўтлари 16 йилгача ҳаётини сақлаган. Ҳа, кўк яшил сув ўтлари кислородсиз муҳитда ҳам ўз фаолиятини давом эттира олар экан.

Демак, яшаш шароитига мосланишига кўра кўк яшил сув ўтлари энг ноқулай —қийин шароитларга ҳам бардош бериб, ҳаёт кечирар экан. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, ушбу сув ўтлари ҳаддан ташқари совуқ Артик музликларида ҳам, доимий қайноқ — гейзирларда ҳам денгизларнинг ўлик қатлами тегларида ҳам, нефть конлари бор жойларда ва денгиз сатҳидан 5 минг метр юқори тоғ тепаликларида ҳам бемалол ҳаёт кечира олади.

Қизиғи шундаки, бу сув ўтлари атом ва водород бомбалари портлаган жойлардан топилган бирдан-бир ҳаёт омилларидир. Ана шу кўк яшил сув ўтларининг атом реакторлари ичидан ҳам, Невада ғорлари вайроналаридан ҳам, ер усти ядро портлашларидан кейинги жойлардан олинган намуналардан ҳам топишгани ғоят қизиқарлидир.

Бу сув ўтларининг юқоридаги ажойиб хусусиятларини ўрганган олимларимиз бундай хулосага келишди: кўк яшил сув ўтлари узоқ эволюцион давомида сувликларда дастлабки организмлардан бўлган бўлса, сўнгра эса қуруқликларда ҳам ҳаётнинг пайдо бўлишида биринчилардан бўлган, дейишди.

Сув ўтлари устида кузатиш ишлари олиб борган АҚШлик профессор Э. Баргхорнинг айтишича, ушбу сув ўтлари сувда дастлаб газсимон кислородни ҳосил қилган. Айниқса, океанларда кўк яшил сув ўтлари атрофида кучли кислород — атмосфераси вужудга келгани ҳам кузатишлардан аниқланган. Демак, кўк яшил сув ўтлари туфайли сувда атмосфера ҳосил бўлар экан. Шу сув ўтлари атрофида ҳосил бўлган кислород муҳитидан бирламчи сув организмлари нафас олган.

Кўк яшил сув ўтларининг яшаши ва ҳаёти туфайли ер юзида кислород атмосфераси вужудга келган. Бу шундан далолат берадики, ҳаётнинг пайдо бўлишида энг асосий туртки кўк яшил сув ўтларидир. У ҳаёт жарчисидир.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институтининг илмий ходими.

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР

«ПАХТА» —ИНТЕРНАЦИОНАЛ ПРОБЛЕМА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг олимлари яратган янги районлаштирилган АН—402 навини қардош Қирғизистон Ўш областининг пахта далаларида фойдаланишдан олинган иқтисодий самара бултур бир ярим миллион сўмликдан ошди. Қирғизистонлик пахтакорлар Помир этакларида пахта етиштиришга хос бўлган шароитларга кўпроқ мос келадиган махсулдор, беор ва чидамли нав яратганликлари учун Ўзбекистон селекциячиларига миннатдорчиликларини изҳор этиш билан бирга, шу гапни маълум қилдилар. Шу кўкламда АН—402 нави бу ерда асосий пахта майдонларини эгаллайди.

Серҳосил, тезпишар, чидамли, толасининг сифати яхшиланган, машина теримига мосланган пахта навларини яратиш— «Пахта» комплекс программасининг етакчи бўлимларидан бири бўлиб, бу программанинг вазифаларини амалга оширишда қардош республикаларнинг олимлари биргалашиб қатнашмоқдалар. Бутун совет пахтачилик зонасида «Тошкент» группасидаги навлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бу нав бизда етиштирилиб келган ўрта толали пахта навларидан энг серҳосулидир. Деҳқонлар ингичка толали навлар орасида Туркманистонда етиштирилган «Ашхобод—25» навини энг яхшилардан бири деб айтмоқдалар. Бултур бу нав илк бор Ўзбекистоннинг жанубида экиб кўрилди. Бу йил Сурхондарё ва Қашқадарё областларида шу нав экиладиган майдонларни анча кенгайтириш мўлжалланади.

Аграрчи олмлар ғўза парвариши агротехникасини яхшилаш, «оқ олтин» етиштириш технологиясини такомиллаштириш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Уларнинг собитқадам изланишлари кейинги йилларда барча пахтакор республикаларда ҳосилдорликни гектарига беш-саккиз центнер кўтаришга, индустриал технологияни жорий этишга имкон берди. Бундай технология пахтачиликдаги ҳаражатларни камайтириш билан бирга пахтакорлар меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бормоқда.

[ЎзТАГ].

Редактор
С. М КАРОМАТОВ.

ЧИРОЙЛИ ВА ҚУЛАЙ МЕБЕЛЛАР

«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ БИРЛАШМАСИ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ИИРИҚ КОРХОНАЛАРДАН БИРИДИР.

Ўтган йили аҳолига пландан ташқари 973 минг сўмлик мебель сотилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани эса 108,1 процент бажарилди.

Бирлашма коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш устида ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Масалан, фақат ўтган йилнинг ўзида Давлат Сифат белгиси билан 12 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 50,9 процентини ташкил этади. Ўтган йили «Тошкент» бирлашмаси коллективи Теҳрондаги халқаро кўргазмага янги ётоқ наборини юборди.

Мебелларни безашда безакли планкалар, орнаментлар ва оригинал шишадан кенг фойдаланилмоқда. Мебелнинг олди — сирти ноёб ёғоч нави билан безатилган. Мебелнинг сиртқи томони полуэфир лаки билан қопланганлиги туфайли у сувдан қўрқмайди.

Биз яшаб турган, дам олаётган ва ишлаётган квартираларимиз ҳамиша ораста, қулай ва албатта чиройли бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мебель сотиб олар экансиз, унинг алоҳида-алоҳида предметлари хонангизнинг формаси ва рангига уйғун равишда ўтиришиб тушиши ҳақида ўйлашингиз керак.

АГАРДА ЯНГИ УЙГА КЎЧАЁТГАН ВА ТЎЙ ҚИЛАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ?

Агарда Сиз қариндошларингиз ва яқинларингизга янги уй олишлари муносабати билан совға олиб боришни истасангиз, мебель магазинларига ташриф буюришингизни маслаҳат берамиз.

Бу ердан Сиз қуйидагиларни харид қилишингиз мумкин:
ётоқ гарнитури, стуллар, (5 хил), миллий хонтахта, гуллар, учун токчалар, вешалкалар «Тошкент» мебель бирламасининг маҳсулотларидир.



«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОИ» «ЎЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

Тошкент шаҳридаги 83-ўрта ҳунар-техника билим юртида электр пайвандчи ихтисоси бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади.

Машғулотлар 1 июлда бошланади.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ш. Руставели кўчаси, 91-уй, 3-қават. Телефонлар 53-52-72, 53-51-80.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

автомобиль кранининг ҳайдовчиси, Совет Армияси сафларидан запаса бўшатилганлар (3 классли) «С» категориядаги гувоҳнома олиш учун ўқийдилар;

автослесарь, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер ҳайдовчиси, суводчи-бўёқчи, дурадгор, сантехник, электр слесарь, электр пайвандловчи.

Ўқиш муддати: 10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар учун 6 ойдан бир йилгача, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса — 3 йил.

10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия, сантехник ва электр слесарлар — 65 сўм, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар исталган олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берадиган ихтисослик ва ўрта маълумот бўйича диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта ўқув юртларига имтиёзли шароитларда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ёғоч ўймакорлиги, фото тўгараклар, вокал-чолғу ансамбли ва бошқалар ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, справкалар: турар жойдан, медицина (286-форма), автомобиль крани ҳайдовчилари учун 6 та фотосурат (4х5 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинмоқда.

Адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй, (48-автобус, 23, 27, 10-трамвайлар, 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

24 МАРТ —16 МАЙ КУНЛАРИ

ПАРДУБИЦА ШАҲРИ

(Чехословакия)

«ОЙМОМА БОҒИ»НИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

БОҒДА ҚУЙИДАГИ АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАЙДИ: **қўғироқли йўл, автодром, занжирли арғимчоқ, учар тарелкалар, тасодифлар ғори, «ГОЗ» арғимчоқ, «ОҚҚУШ» арғимчоқ, болалар арғимчоғи, болалар поезди; пин-понг, кегелбан, тир ютуқли аттракционлари.**

Аттракционлар ҳар куни соат 15.00 дан 21.00 гача, шанба кунлари соат 12.00 дан 21.00 гача, якшанба кунлари соат 10.00 дан 21.00 гача ишлайди.

дам олиш куни — душанба.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «ОЙМОМА БОҒИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

КИРОВ РАЙОН СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ

радио-телемастерлар тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш учун 87 сўм тўланади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Наманган кўчаси, 14-уй. (19, 47, 115-автобуслар билан борилади).

ҚИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси

шуни маълум қиладики,

11-китоб магазинининг букинистик бўлимида

(М. Горький кўчаси, 73-уй) ва **31-«Букинист» магазини**

(Навоий кўчаси, «Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида)

САВДОСИДА

ЖАҲОН АДАБИЕТИ КУТУБХОНАСИНИНГ ТЎЛА КОМПЛЕКСИ БОР

Тошкент шаҳар телефон тармоғининг абонентлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ УСТАХОНАЛАРИ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ

ТУЗАТИБ БЕРАДИ.

Устаханалар адреси:

Навоий кўчаси, 14«а»-уй (41-АТС биносида),

Лисунов кўчаси, 25«а»-уй (96-АТС биносида).

Устаханалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 18.00 гача, шанба кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача ишлайди.**

«БИЛИМЛАР УЙИ»

араб тилини ўргатадиган

1 ИЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтада икки марта (чоршанбада соат 19.00 да ва якшанбада соат 11.00 да)**ўтказилади.**

Машғулотлар — 4 апрелда бошланади.

56-87-67, 56-48-96 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ДОИМИЙ ИШГА

қоғоз қирқувчилар, ёрдамчи-транспорт ишчилари, қоровуллар, машинистка, «Аскод» бухгалтерия машинаси оператори

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-минераль сувлари заводига таралар учун берилган 40564, 40592, 40593, 40594, 40595 номерли йўқолган

ҚАБУЛ КВИТАНЦИЯЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 24/III да **Келинлар кўзголони. Оқ танлилар** (15.00). 26/III да **Ганг дарёсининг қизи** (11.00). **Оқ танлилар** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/III да **Гулсара** 25/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси.** 26/III да **Хотинимнинг эри** (15.30, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—25/III да **Сокин тонгларг.** 26/III да **Отасининг қизи.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигидаги **«МУЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА»** иллюзион аттракциони иштирокида КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (13.16, 13.30).

КИНО

24 мартда

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Москва** (16.30, 19, 21.15, телефон 33-05-01).

«ҚАЕҚҚА ҲАМ БОРАРДИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02). **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ЭКИПАЖ» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-14-59).

25 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОВЕТ АРМИЯСИ КУНИ» — **Москва.**

«МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ТЕАТР» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Москва** (11.30, 14, 16.30, 19, 21.15, телефон 33-05-01).

«ҚАЕҚҚА ҲАМ БОРАРДИ» — **Лисунов номли** (тоқ совтларда, телефон 96-34-02). **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ЭКИПАЖ»— **Искра** (17, 20.00, телефон 39-14-59).

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

ЗИЛ—130 маркали автомашиналарда ишлаш учун

1, 2, 3-классли ҳайдовчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай. Иш бир сменали.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг марказий пункти.

С. Раҳимов районидаги А. Ҳидоятов номли 14-ўрта мактаб томонидан **Нуриддинов Ҳуснитдин Садриддинович** номига берилган 611709 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 115-ўрта мактаб томонидан **Исмоилова Шоҳида Мелибоевна** номига берилган 697450 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташплодоовощ» бирлашмасининг Киров район улгуржи-чакана савдо конторасига қарашли 14-магазининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Бекабоднеммунтеплоэнерго» корхонаси маҳаллий комитетининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2-«Узсельспецстрой» трестига қарашли 65-ихтисослаштирилган кўчма механизация колоннаси қурилиш комитетининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ўқувчилар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Елғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой оладилар.

Ўқувчилар ва ҳайдовчилар 50 процент ҳақини тўлаб формали кийим-бош сотиб оладилар.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Табиий ва суюлтирилган газлардан фойдаланувчи абонентлар

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

авария-диспетчерлик хизмати телефонларининг ўзгарганлигини

БИЛДИРАДИ

Телефонлар: 53-73-46, 54-44-29 га, 53-75-46, 55-44-27 га,

ЎЗГАРТИРИЛДИ.

ЛАМПАЛАР, ТОРШЕРЛАР, ОСМА ЧИРОҚЛАР...

Шаҳарга оқшом қўниши билан уйларда чироқлар ёқилади. Уларнинг бири ёрқин, кўзни олади, бошқаси — майин, хирароқ.

Ҳозирги замон квартираларини люстрасиз, стол усти лампалари ва торшерларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу ҳар бир ёритгич ўз маълум вазифани бажаради. Люстра кўтаринки руҳ, байрам кайфиятини яратади. Стол лампаси эса ёзув столида тунда зарур ишларни бажаришга имкон яратади. Унинг ёруғи оиладаги бошқа кишиларга ҳалал бермайди. Торшер эса қулайлик яратади, дам олиш, мутоала билан бўлиш, дўстона суҳбатлар қуришга мўлжалланган.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

ЭЛЕКТР МАИШИЙ АСБОБЛАР СЕКЦИЯСИДА

ҳар куни Ўзбекистон, Украина, Белоруссия, Арманистонда ишлаб чиқарилган 50 номдан ортиқ ёритгич асбоблари билан савдо қилинмоқда.

БРА — деворга ўрнатилади, плафонли, биллурдек жилваланади;

СТОЛ ЛАМПАЛАРИ — керамик, ёғоч, металл, пластмасса, абажурли, 20 хил турда. Улар орасида ёруғлик оқимини бошқарувчи, эгилувчан шнурли лампалар ҳам мавжуд;

ШИФТГА ОСИЛАДИГАН ЛЮСТРАЛАР — шиша ва пластмассадан ясалган, биллур нусха ва 4 ва 6 қандилли.

Янги люстра, стол лампаси, бра сотиб олсангиз, аввало уларнинг квартирангиздаги мебеллар, хона жиҳозлари билан ҳамоҳанг тушиши ҳақида, янги чирой бахш этиши хусусида ҳам ғамхўрлик қилинг.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

24 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевиденининг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Халқаро конкурс лауреати Р. Хунцария чалади. 19.40 «Жасорат». Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи М. Раскова туғилган кунининг 70 йиллигига. 20.10 Экранда — кинокомедия. «Бўйсунмаслар». 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Ереван шаҳар «Хаурен» ёшлар хорининг концерти.

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Касби — сотувчилик». 2-кўрсатув. 19.20 Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик». романдан парчалар. 20.35 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.50 А. Бородин. 2-квартет. 21.20 «Жонажон ўлка жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм (Уфа). 21.30 «Время». 22.05 «Ҳовлидаги одам». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.10 Футбол ўйнича ёшлар командалари ўртасида Европа чемпионати. СССР—Франция терма командалари. 2-тайм. Ереванда олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденниесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Чипнинг саргузашти», «Деярли рўй-рост воқеа» Мультфильмлар. 18.30 Ўзбекистоннинг XIX Спартакиадасида. Қиличбозлик. «Ёшлик» , спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 19.00 «Фан уфқлари». Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти — 50 ёшда. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ишчанлик руҳидаги даврада». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. Йўлатов иштирок этади (рус). 20.30 «Ахборот».

25 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 М. Равель. «Вальс», Хореографик поэма. 9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 10.25 «Бўйсунмаслар». Бадиий фильм. 11.45 Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Рус тили». 16.25 Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Греция ўйлаб». Кинопрограммма. 17.25 Болалар учун фильм. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». 2-серия. 18.25 «Фронтдан мактублар». Ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»). 18.45 «Миллионлар ленинча университети». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнали. 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Қўйш остидаги чанг». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Е. Нестеренко концерти. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 «Жанубий Якутия соати». Телевизион ҳужжатли фильм (Иркутск).

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

16.15 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Салют, пионерия». Душанба шаҳар Пионерлар саройи болалар бадиий коллективларининг концерти. 19.35 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувда Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Е. Поляков иштирок этади. 20.05 Бауман номли МВТУ Маданият уйи хорининг концерти. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Тўпли хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. «Енисей» (Красноярск) — «Балтик» (Швеция). 2-тайм. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳовлидаги одам». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Қайрат». 2-тайм. Львовдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденниесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қўшиқ билан нурафшон ўлкам». Фильм-концерт. 12.10 «Тоғлаги гор сирлари». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Бунёдкорлар». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Футбол бўйича СССР 45-чемпионатининг очилишига. «Футбол чорраҳаларида». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси шарқ факультети студентларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Арманистон телевиденниесининг программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Винокор» (Тошкент) — АСК (Новосибирск). «Юбилейний» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 20.45 Янгиликлар. 20.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёш олимлар клуби». (рус). 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

24 МАРТ, 1982 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58 85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маданият ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; аъзолар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Р. 07134. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690